

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЮНОВ ЁРҚИН БЕКМУРОДОВИЧ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Суёнов Ёркин Бекмуродович

Акциядорлик жамиятларида молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини
такомиллаштириш.....3

Суёнов Ёркин Бекмуродович

Совершенствование учета и аудита финансовых инвестиций в акционерных
обществах25

Suyunov Yorkin Bekmurodovich

Improving accounting and auditing of financial investments in joint-stock
companies.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЮНОВ ЁРҚИН БЕКМУРОДОВИЧ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2022

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2017.3.PhD/Iqt389 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tseu.uz) ва "Ziyoulet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyoulet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Ҳамдамов Баҳром Касимович, Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ризаев Нурбек Қодирович Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Маматкулов Муроджон Шукурлович Иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот	Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.116.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «05» 02 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: info@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4107 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51. e-mail: info@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «21» 01 кун тарқатилди.
(2022 йил «21» 01 даги 2 рақамли реестр баённомаси)




Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кенгаши илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодийнинг етакчи тармоқларида молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудити услубиёти соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг таҳлилига кўра, мазкур инвестициялар ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги энг ишончли ахборотлар билан таъминлаш муҳим ҳисобланади. Бугунги пандемия шароитида иқтисодий тармоқлари, жумладан хизмат кўрсатиш субъектларида молиявий инвестицияларга талаблар тобора кучайиб бормоқда. Жаҳонда COVID-19нинг глобал тарқалиши хорижий инвестицияларга кучли таъсир кўрсатмоқда. Яқинда глобал инвестициялар UNCTADнинг тадқиқотлари кўрсатмоқдаки, «Жаҳонда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг оқими кескин пасайиши прогноз қилиниб, 2020-2021 йиллар давомида энг паст даража, яъни 40 %га етиши тахмин қилинмоқда»¹. Умуман, инвестициялар глобал таъминот занжирларининг тез-тез учрайдиган ва табиий хусусияти бўлиб, субъектларга фаолиятни тез ўзгарувчан бизнес жараёнларига мослаштириш имконини беради.

Глобал пандемия Ўзбекистон иқтисодийига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиб, мазкур босқичда иқтисодийнинг барча бўғинларида инвестицион фаолликнинг сезиларли даражада пасайиши, корхоналарнинг инвестиция ресурслари камайиши, уларнинг индустриядан кейинги жамият иқтисодийига технологик шитоб билан кириб боришининг асоси ҳисобланган катта ҳажмдаги ва молиявий инвестицияларни амалга оширувчи ҳақиқий инвесторлар бўлмагани боис иқтисодийнинг саноат тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кузатилмоқда. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми узок давр мобайнида ҳар йили камида 8 фоизга ошиши суръатларини таъминлаш бўйича ўта муҳим вазифалар турган пайтда иқтисодийда хизматлар соҳасининг барқарор ривожланиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борада, иқтисодийнинг етакчи саноат корхоналарида молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича хорижий илғор тажрибани амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати иқтисодийнинг барча тармоқларини кенг қамраб олмақда, албатта. Бу борада «иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади. Шу билан бирга, инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш»² вазифаси белгиланган. Инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш мамлакат иқтисодий тараққиётининг пойдевори ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир ривожланиш ва самарадорликка эришиш бевосита жалб этилган инвестициялар ҳамда улардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Иқтисодий тармоқларига жалб этилган инвестициялар самарадорлигини аниқлаш, у

¹ https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/diaeiainf2020d3_en.pdf

² <https://president.uz/uz/lists/view/4057> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 2020-yil 29-dekabr.

томонидан жамиятга, қолаверса халқимизга фойда келтириш билан белгиланади. «Сарфланган ҳар бир сўм инвестиция одамларимизга уч баравар кўп фойда келтириши, уларнинг даромадини оширишга хизмат қилиши керак»³. Бу эса инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури» тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4986-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 25 январдаги ПҚ-5233-сон Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш», инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида хорижий олимларнинг иқтисодиётнинг етакчи саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш субъектларида молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудити услубиётини тадқиқ этишга бағишланган илмий асарлари мавжуд, жумладан, бу масалалар Farrokh Barzideh, Soroush Lotfi, Mehdi Mousapour, Mojtaba Aghaei⁴ сингари олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Шу билан бирга, молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини тадқиқ этиш масалалари М.В.Левина, В.Б.Малицкая, О.Г.Житлухина, А.В.Пасечник, В.Е.Милова, Л.С.Савицкая, А.В.Шпак⁵ сингари МДХ олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган.

³ <https://president.uz/uz/lists/view/4254> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlari doirasida joriy yilda amalga oshiriladigan ishlar muhokamasi yuzasidan o‘tkazilgan videoselektor yig‘ilishidagi nutqidan., Toshkent, 2021-yil 24-mart

⁴ Farrokh Barzideh, Soroush Lotfi, Mehdi Mousapour, Mojtaba Aghaei. Accounting for investment: challenges & criticisms. www.sciencejournal.in. Volume-3 (Special Issue 3) 2014.

⁵ Левина М.В. Организация и методика экономического анализа финансовых вложений тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12, кандидат экономических наук. – Воронеж, 2011. Малицкая В.Б. Концепция согласования учетного обеспечения, аналитического представления и аудита ликвидных элементов оборотных активов с международно признанными стандартами. Автореферат доктора

Молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш борасида мамлакатимиз олимларидан Н.Б.Абдусаломова, А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, Б.Исроилов, И.Н.Қўзиёв, Н.К.Ризаев, Б.А.Хасанов, Р.О.Холбеков, Б.К.Ҳамдамов, Ш.Т.Эргашева, М.Ш.Маматкулов⁶ ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мазкур илмий ишларда молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўллари комплекс тарзда ўрганилмаган. Шу боис, молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича амалиётда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, унинг назарий-методологик масалаларини такомиллаштириш асосида илмий тақлифлар ишлаб чиқиш лозим.

Бундай долзарб масалаларнинг ҳал этилиши диссертация мавзусини танлаш, унинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос сифатида хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасида ПЗ–20170929737-сонли «Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини жорий қилиш учун давлат бошқаруви тегишли соҳаларига ўзгартиришларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳалар ва илмий тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш субъектларида молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

экономических наук, 08.00.12. – Орел, 2013 г., Житлухина О.Г. Особенности понятия финансовых вложений в аспекте бухгалтерского учета и финансовых вложений в аспекте бухгалтерского учета и финансовой отчетности. Бухгалтерский учет № 6 июнь 2010 г., Пасечник А.В. Организация и развитие учета финансовых вложений в организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Ростов на Дону, 2010 г., Милова В.Е. Учет финансовых инструментов: диссертация ... кандидата экономических наук: 08.00.12 / Милова В.Е; [Место защиты: Финансовая акад. при Правительстве РФ]. – Москва, 2008.- 212 с.: ил. РГБ ОД, 61 08-8/905, Савицкая Л.С. Методика учета и анализа финансовых вложений в ценные бумаги. ...кандидата экономических наук: 08.00.12 /; [Место защиты: Рос.гос. торгово-эконом. ун-т]. – Москва, 2009.- 184 с., Шпак А.В. Сравнительный анализ учета финансовых вложений в США и России: Дис. ... канд. экон. наук : 08.00.12. – Москва, 2000 156 с. РГБ ОД, 61:01-8/51-Х.

⁶ Абдусаломова Н.Б. Харажатларни келиб чиқиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича харажатларни бошқарув ҳисобини ташкил қилиш. “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. №1, сентябрь, 2016 йил., Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Дис...икт.фан.д-ри. БМА. – Т., 2009., Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиёв И., Ризаев Н., Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2008.; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2008., Хасанов Б.А.Бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: Янги нашр, 2011. -312 бет., Isroilov B.I., Xolbekov R.O. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. [Matn]: Darslik. – Toshkent: “Tafakkur” nashriyoti, 2020, 240-b., Hamdamov B.K. Auditning xalqaro standartlari. Darslik. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2020 y. – 245 b., Эргашева Ш.Т. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник. – Т.: IQTISODIYOT, 2021 г. – 308 стр., Маматкулов М.Ш. Коммунал хизмат кўрсатиш тизими корхоналарида бошқарув ҳисоби методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) автореферати. – Т.: ТДИУ, - 67 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жорий бозор қиймати аниқланмаган акцияларга молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш ва баҳолашни такомиллаштириш йўлларини ўрганиш;

молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш ҳамда улардан олинадиган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш мақсадида ишчи счётлар ишлаб чиқиш;

молиявий инвестицияларга дивиденд ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш;

молиявий инвестициялар аудитининг танишув, асосий ва якуний босқичларида ўтказишни такомиллаштириш;

молиявий инвестиция операциялари аудитини ўтказиш усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзбектелеком» АКнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш жараёнларида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида илмий мушоҳада, абстракт-манتيкий фикрлаш, суҳбат, индукция, дедукция, статистик, иқтисодий, молиявий, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

молиявий инвестициялар таркибида ҳисобга олинадиган даромад олиш учун берилган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олиш мақсадида 0691 – «Даромад олиш мақсадида берилган узоқ муддатли қарзлар» ишчи счётини очиш ҳамда 0691 счётини амалий қўллаш бўйича бухгалтерия ўтказмалари тизими таклиф этилган;

«Ўзбектелеком» АК корхоналарида дивиденд ҳисоблашнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида молиявий инвестицияларга дивиденд ҳисоблашнинг «қиймат» усули таклиф этилган ҳамда тармоқ корхоналари учун «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги низомнинг намунавий шакли ишлаб чиқилган;

«Ўзбектелеком» АКда молиявий инвестициялар аудитини танишув, асосий ва якуний босқичларда ўтказиш ҳамда аудиторлик далиллари олиш амаллари таркибига «таққослаш» амалини қўшиш орқали аудит дастурининг такомиллаштирилган варианты таклиф этилган;

молиявий инвестициялардан олинадиган даромадлар ҳисобини юритишда инвестицияларнинг жорий ва келгусидаги қийматини аниқлашнинг экспресс-баҳолаш шакли ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«инвестиция», «молиявий инвестициялар», «молиявий активлар» ва «молиявий инструментлар» тушунчаларининг фарқли жиҳатлари илмий асосланиб, уларга муаллифлик таърифлари берилган;

хорижий валютада киритиладиган молиявий инвестициялардан олинадиган даромадлар ҳисобини алоҳида ишчи счётда юритиш таклиф

этилди, бунинг натижасида молиявий инвестициялардан олинадиган даромадлар ҳисобини юритиш шаффофлиги таъминланган;

молиявий инвестицияларни баҳолаш мақсадида пул оқимлари ҳаракатининг ҳаққоний дисконтланган усулини қўллаш алгоритми ишлаб чиқилган;

қимматли қоғозларга дивиденд ҳисоблашда қиймат усули қўлланганда, унинг асосий тамойили сифатида, улардан олинадиган дивидендлар бош жамият даромади сифатида ҳисобга олинаши илмий асосланди ҳамда улушбай иштирок усулини бош жамият томонидан шуъба жамиятга сезиларли даражада таъсир кўрсатиш ва назорат қилиш ҳолларида қўллаш тавсия қилинган;

молиявий инвестициялар бўйича аудиторлик далилларини олиш амаллари таркибига қўшимча амалларнинг киритилиши далил тўплаш имкониятини кенгайтириш, аудиторлик далилларининг мослиги ва етарлилигини таъминлаш, натижада аудиторлик хулосасининг объективлиги ва сифати ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда фойдаланилган ахборот базаси ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга мувофиқ келиши ҳамда тегишли хулосаларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг тасарруфидаги корхоналарда молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга оид назарий-методологик ва услубий аппарат шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш субъектларида молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудити услубиётини такомиллаштириш бўйича олинган хулоса ва назарий билимлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда унинг тасарруфидаги корхоналар, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, маърузалар матни, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акциядорлик жамиятларида молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

молиявий инвестициялар таркибида ҳисобга олинадиган даромад олиш учун берилган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олиш мақсадида 0691 – «Даромад олиш мақсадида берилган узоқ муддатли қарзлар» ишчи счётини очиш таклиф этилди ҳамда 0691 счётини амалий қўллаш бўйича бухгалтерия

ўтказмалари «Ўзбектелеком» АКнинг «Ҳисоб сиёсати»га ўзгартиришлар киритишга оид услубий тавсияларни чиқишда фойдаланилган («Ўзбектелеком» АКнинг 2021 йил 24 августдаги 27-05-26/3583-сон маълумотномаси). Мазкур таснифнинг киритилиши молиявий инвестицияларни уларни самарали ҳисобга олиш учун ажратиб олиш имконини бериб, натижада ташкилот мулкнинг ҳақиқий ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган аналитик маълумотларга эга бўлиш даражасини 8 фоизга ошириш имконини берган;

акциядорлик жамиятларида дивиденд ҳисоблаш шаффофлигини таъминлаш мақсадида молиявий инвестицияларга дивиденд ҳисоблашнинг «қиймат» усули таклиф этилган ҳамда тармоқ корхоналари учун «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги низомнинг намунавий шакли «Ўзбектелеком» АКда қўлланилган («Ўзбектелеком» АКнинг 2021 йил 24 августдаги 27-05-26/3583-сон маълумотномаси). Натижада қиймат усули қўлланганда, инвестор ўз маблағини бошқа корхонага дастлабки қиймати бўйича қўйиши асосланган. Натижада тармоқда инвесторларнинг сони 5 тага кўпайган ва инвестиция маблағлари киритилган. Бунда инвестициялар қиймати шуъба тузилмаларнинг молиявий аҳолидан қатъий назар ўзгармайди, улардан олинadиган дивидендлар бош жамият даромади сифатида ҳисобга олинishi асосланган. Улушбай иштирок усули қўлланганда бош жамият томонидан шуъба жамиятга сезиларли даражада таъсир кўрсатиш ва назорат қилиш ҳолларида қўллаш тавсия қилинган;

молиявий инвестицияларнинг жозибadorлигини ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланишни назорат қилиш мақсадида молиявий инвестициялар аудитининг танишув (текшириладиган мижоз молиявий инвестициялари бўйича дастлабки тасаввурни шакллантириш), асосий (молиявий ҳисоботда молиявий инвестицияларнинг тўғри акс эттирилганлигига муайян даражада ишонч ҳосил қилиш) ва якуний (молиявий ҳисоботнинг молиявий инвестицияларга тегишли ахборотлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш) босқичларида ўтказиш ҳамда аудиторлик далилларини олиш амаллари таркибида таққослаш амалини киритиш орқали аудит дастурининг такомиллаштирилган варианты таклифи амалиётда фойдаланиш учун «Ўзбектелеком» АКда қабул қилинди («Ўзбектелеком» АКнинг 2021 йил 24 августдаги 27-05-26/3583-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф аудиторлар томонидан молиявий инвестициялар текширувини ўтказиш жараёнида ўз фикрини тизимли тарзда шакллантириш ва ўз навбатида, сифатли молиявий инвестициялар аудитига тааллуқли аудиторлик хулосасини тузиш имконини берган;

молиявий инвестициялардан олинadиган даромадларни ҳисобга олишда дисконтланган пул оқимлари усулини қўллаш таклиф этилди ҳамда инвестицияларнинг жорий ва келгусидаги қийматини ҳисоблаш таснифи бўйича таклиф «Ўзбектелеком» АКнинг «Ҳисоб сиёсати»га ўзгартиришлар киритишга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган. («Ўзбектелеком» АКнинг 2021 йил 24 августдаги 27-05-26/3583-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида акцияларга молиявий инвестицияларни баҳолаш учун пул оқимларининг дисконтланган усулини

қўллаш алгоритми ишлаб чиқилган ва акцияларнинг бозор қиймати 1,3 фоизга ошишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика, 1 таси импакт факторли хорижий илмий журналларда ҳамда тезислар тўпламида 5 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг биринчи боби «**Молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари**» деб номланиб, глобаллашув шароитида молиявий инвестицияларнинг турлари, уларни идентификациялаш тавсифи ва таснифланиши, молиявий инвестицияларни шакллантириш манбаалари ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, молиявий инвестициялар аудитининг ахборот таъминотини шакллантиришнинг услубий жиҳатлари баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаб ўтилганидек, «Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади».

Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлилни талаб этади. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган»⁷. Бунинг натижасида иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинган

⁷ Президент Ш.М. Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига

инвестицияларнинг натижадорлиги сезирали даражада пасайиб кетди. Шу мақсадларда иқтисодий тармоқлари, хусусан, хизматлар соҳасини янада ривожлантириш мақсадида «Ўзбектелеком» АК томонидан 2021-2022 йилларга мўлжалланган йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда (1-расм).



1-расм. «Ўзбектелеком» АКнинг 2021-2022 йилларга мўлжалланган молиявий инвестициялари таркиби

Бундай инвестиция лойиҳаларининг амалда бажарилиши хизматлар соҳасида ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши билан бир қаторда ҳудудларда қўшимча янги иш ўринларини яратишга ҳам олиб келади.

Шу маънода жаҳон амалиёти таҳлил натижалари кўрсатмоқдаки, бугунги кунда хизматлар соҳасига молиявий инвестицияларни киритиш орқали иқтисодий самарадорлигини ошириш, соҳада аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, йўналтирилган молиявий инвестицияларни баҳолаш, молиявий ҳисоб ва ҳисоботни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хизматлар соҳасини, хусусан, хизматлар ҳажмини ошириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда иқтисодий диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, молиявий инвестицияларни кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш сингари энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни яқин истикболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга соҳалар, жумладан, хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 14 январь.

**«Ўзбекнефтгаз» АЖ га қарашли корхоналарда молиявий
инвестициялар ҳолати таҳлили⁸**

(минг сўм ҳисобида)

№	«Ўзбекнефтгаз» АЖ га қарашли корхоналар	Молиявий инвестициялар ҳажми				
		Йиллар				
		2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
1.	«Ўзнефтгазқазибчи-қариш» АЖ	431 100 424.0	506 322 644.0	631 100 424.0	706 322 644.0	1 067 808 094.0
2.	«Ўзбурнефтгаз» АЖ	49 351 839.0	58 965 288.0	69 351 839.0	68 965 288.0	91 674 535.0
3.	«Ўзнефтмахсулот» АЖ	109 980 826.0	248 127 430.0	119 980 826.0	348 127 430.0	1 030 564 803.0
4.	«Ўзтрансгаз» АЖ	121 885 197.0	346 929 266.0	521 885 197.0	546 929 266.0	392 633 325.0
5.	«Ўзнефтегазмаш» АЖ	9 358 545.0	10 030 802.0	10 358 545.0	11 030 802.0	12 465 409.0
6.	«Нефтегаздепозит» МЧЖ	14 203 284.0	20 227 797.0	24 203 284.0	24 227 797.0	24 873 923.0
7.	«Нефтегазинвест» МЧЖ	0.0	0.0	0.0	0.0	64 957 200.0
8.	«Нефтегазмонтаж» МЧЖ	151 518.0	251 518.0	351 518.0	351 518.0	356 644.0
9.	«ЎзЛИТИ-нефтегаз» АЖ	158 261.0	162 618.0	258 261.0	262 618.0	262 618.0
10.	«ИГИРНИГМ» АЖ	66 794.0	88 794.0	96 794.0	96 794.0	609 005.0
11.	«УЗ ВЧ» МЧЖ	101 606.0	166 567.0	181 606.0	156 567.0	236 936.0
12.	«Бентонит» МЧЖ	2 489.0	3 489.0	5 489.0	5 489.0	5 489.0
13.	«Тўйтепа метал-конструкция заводи» АЖ	4 130.0	6 130.0	9 130.0	9 130.0	9 130.0
14.	«Ўзнефтегаз-ишчитаъминот» АЖ	304 400.0	399 400.0	504 400.0	499 400.0	503 233.0
15.	«Ўзнефтегазқурилиши нвест» АЖ	26 314 985.0	30 466 273.0	36 314 985.0	36 466 273.0	26 717 015.0
16.	«Ўзташқинептегаз» АЖ	157 386.0	167 675.0	257 386.0	267 675.0	267 675.0
17.	«Ўзгазоил» МЧЖ	101 433 940.0	105 289 653.0	181 433 940.0	195 289 653.0	0

Тадқиқотларга кўра, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган нефт-газ саноатида молиявий қўйилмалардан самарали фойдаланилмоқда. Қуйида «Ўзбекнефтгаз» АЖга қарашли корхоналарда молиявий қўйилмалар ҳолати келтирилган (1-жадвал).

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан инвестициялар ҳисоби ва аудитининг баъзи жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, О. Жўраевнинг тадқиқотлари бозор муносабатлари шароитида корхоналар томонидан амалга оширилган молиявий инвестициялар ва улардан олинган молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш, Ш.Илхамов корхоналарда инвестиция фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этиш масалаларини такомиллаштириш, А. Худайбердиев эса илмий тадқиқот ишларида асосий эътибор кишлоқ хўжалиги корхоналари инвестиция фаолиятини молиявий

⁸Муаллиф томонидан «Ўзбекнефтгаз» АЖга қарашли корхоналар молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилди.

ҳисобот маълумотлари ёрдамида қиёсий молиявий-инвестицион таҳлил қилиш услубиятини белгилаб беришга қаратилган.

Шунингдек А. Авлоқулов томонидан олиб борилган тадқиқотларда муаллиф фақат узоқ муддатли инвестицияларнинг таркибида бўлган инвестицион кўчмас мулкга эътибор қаратилган. Узоқ муддатли инвестициялар таркибидаги узоқ муддатли қимматли қоғозлар ва бошқа узоқ муддатли инвестицияларга эътибор қаратилган.

Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида инвестицияларга қуйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ, яъни инвестиция шундай инструментки, унинг ёрдамида маблағлар қийматини сақлаб қолиш ёки кўпайтириш мақсадида маблағларни (ҳар қандай инструментга қўйиш) жойлаштириш ва даромад олишдир. Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан қаралса, инвестицияларни, хусусан, молиявий инвестицияларни қисқа ва узоқ муддатли инвестицияларга ажратган ҳолда ҳисобга олиш улардан олинadиган даромадлар ҳисобини ҳам алоҳида ҳисобга олинишни таъминлайди. Муаллиф томонидан қуйидаги 2-жадвалда қисқа ва узоқ муддатли молиявий инвестициялардаги фарқли жиҳатларнинг қиёсий таҳлили келтириб ўтилган.

2-жадвал

Қисқа ва узоқ муддатли молиявий инвестицияларни таққослаш⁹

Фарқли белгилари	Қисқа муддатли	Узоқ муддатли
Таркиби	Қимматли қоғозлар	Қимматли қоғозлар, моддий айланмадан ташқари активлар, бошқа
Муддати	1 йилдан кам	1 йилдан ортиқ
Мақсади	Вақтинчалик бўш турган пул маблағларини жойлаштириш	Фойда олиш, таъсир кўрсатиш мақсадида узоқ муддатли дастур
Балансда акс эттирилиши	Айланма маблағлар таркибига киритилади	Узоқ муддатли актив ҳисобланади
Қимматли қоғозларга талаблар	Осон сотилувчанлик	Осон сотилувчанлик шарт эмас
Баҳолаш усуллари	Турли хил	

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда узоқ муддатли инвестициялар объектлари ва уларнинг туркумланиши борасида турли хил фикрлар мавжуд. Лекин олимларнинг фикрларида узоқ муддатли инвестицияларни таърифлаш, унинг иқтисодий моҳиятини ёритиб бериш кам учрайди. Муаллифнинг фикрича, узоқ муддатли инвестицияларни таърифлаш ва уни туркумларга ажратишда бухгалтерия ҳисоби томонидан ҳам ёндашиш лозим. Зеро, узоқ муддатли инвестицияларни ҳисоб стандартлари бўйича туркумлаш уларнинг ҳисобини юритиш ва аудитини ташкил қилишда қулайлик туғдиради.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг ривожланиши молиявий активлар ва биринчи навбатда акциялар, облигациялар ва векселлар сингари қимматли қоғозларга сармоялар корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий амалиётида тобора муҳим аҳамият касб этишади. Бугунги кунга

⁹Тадқиқот маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

келиб, Ўзбекистон Республикасида капитал бозорини, яъни фонд бозорининг ривожланиши, аксарият ҳолларда молиявий ҳисоботлар элементи бўлган тегишли ахборот таъминотини талаб этади.

Бунда «молиявий инвестициялар» деб номланган бухгалтерия ҳисоби объектини «молиявий деривативлар», «фьючерслар», «опционлар» сингари объектлар ва уларни ҳисобга олиш усулларнинг фарқли жиҳатларини ёритиб берувчи усулларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан яхлитлаштиришни тақозо этади.

Диссертация ишининг иккинчи боби «**Акциядорлик жамиятларида молиявий инвестициялар ҳисобини ташкил қилиш усулларининг ҳозирги ҳолати таҳлили**» деб номланиб, унда молиявий инвестицияларни шакллантириш ҳисоби, молиявий инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва уларнинг ҳисоби, молиявий инвестициялардан фойдаланиш ҳисоби, дивидендларни қийматли ва улушли баҳолаш усулларини амалиётга татбиқ этиш натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Ҳозирги босқичда молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш масалаларининг етарли даражада ҳал этилмаганлиги молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга корхона активлари ва пасивларининг ҳақиқий қиймати тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди. Бу, ўз навбатида, инвестиция операцияларини амалга оширишда қийинчиликларга олиб келади ва инвестицион хавфларни самарали баҳолаш, капитал таркиби ва инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини назорат қилишга тўсқинлик қилади. Шу сабабли молиявий инвестицияларни ҳисобга олишнинг мавжуд методологиясини ўзгартириш муаммосининг долзарблиги жуда муҳимдир.

Тармоқнинг инвестицион жозибadorлиги ортиб бормоқда, унинг инвестицион фаолияти ҳам фаоллашмоқда.

«Ўзбектелеком» АК сингари саноат корхоналари молиявий қўйилмалар таҳлилининг халқаро даражада амалда қўлланилаётган усулларини илмий жиҳатдан тадқиқ этган ҳолда такомиллаштириш иқтисодиётнинг барча тармоқларига инвестицияларни фаол жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис «Ўзбектелеком» АКнинг молиявий қўйилмалари билан боғлиқ операциялар тўғрисида ички ва ташқи фойдаланувчиларга ишончли ахборотлар тақдим этувчи бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкиллаштириш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Бундай ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётидаги инвестицион жараённи назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳамда молиявий инвестиция фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни бозор муносабатлари талаблари ва мезонлари даражасида ташкил қилиш ва такомиллаштиришни услубий жиҳатдан асослаб бериш, корхоналар томонидан амалга оширилувчи молиявий инвестицияларнинг ҳозирги давр шарт-шароитларига мос келувчи қоидаларини ишлаб чиқиш заруратини талаб этмоқда.



2-расм. «Ўзбектелеком» АКнинг 2020 йил учун молиявий инвестициялари таркиби¹⁰

2-расмда кўриниб турганидек, «Ўзбектелеком» АКнинг 2020 йил учун молиявий инвестициялари портфелида шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар 17 фоизни, чет эл капитали mavjud корхоналарга инвестициялар 23 фоизни ташкил этган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мазкур тармоқда молиявий кўйилмалар портфели диверсификацияси тўлиқ таъминланмаган. Оқибатда қimmatли қоғозларга инвестициялар 13 фоизга, бошқа узоқ муддатли инвестициялар атиги 27 фоизга тўғри келган. Бунинг сабабини иқтисодиёт рақобатбардошлиги ошишини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларга давлат-хусусий шериклиги муносабатлари тўлиқ татбиқ этилмагани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Корхоналар томонидан киритилган ҳар бир инвестиция самарадорлиги улардан олинadиган даромадлар миқдори билан ўлчанади. Бундай шароитда молиявий ҳисоб-китобларда ҳамма вақт ва ҳар қандай шароитда ҳам бошланғич, ошган, чегирма ёки устама суммаларини аниқлаш имконияти mavjud бўлмайди. Бундай муаммо молиявий инвестициялардан олинadиган даромадларни прогноз қилиш имконини бермайди. Муаллиф тадқиқотлари давомида дисконтланган пул оқимлари ёрдамида инвестицияларнинг жорий ва келгусидаги қийматини аниқлашнинг экспресс-баҳолаш моделини қўллаш орқали молиявий инвестицияларнинг келгуси ва жорий қийматини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди.

Бунда дисконтлаш корхонага инвестор қанча миқдорда энг кўп молиявий ресурслар сарфлаши ва энг кўп даражада қанча даромад олишини аниқлаш имконини яратади. Бундай ҳолатда дисконтлаш формуласи қуйидагича аниқланади:

Жорий қиймат аниқ бўлса,

$$KK = JK \times (1 + P)^n,$$

бу ерда: KK – келгуси қиймат; JK – жорий қиймат; P – фоиз ставкаси; n – йиллар.

¹⁰Муаллиф томонидан «Ўзбектелеком» АК молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилди.

Тадқиқот давомида муаллиф томонидан юқоридаги молиявий инвестицияларни дисконлаш формуласини қўллаш орқали жорий ва келгусидаги қийматни аниқлашнинг экспресс-баҳолаш модели ишлаб чиқилди (3-жадвал).

3-жадвал

Молиявий инвестицияларнинг экспресс-баҳолаш модели¹¹

Йил %	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26
1.	1,15	1,16	1,17	1,18	1,19	1,2	1,21	1,22	1,23	1,24	1,25	1,26
2.	1,32	1,35	1,37	1,39	1,42	1,44	1,46	1,49	1,51	1,54	1,56	1,59
3.	1,52	1,56	1,6	1,64	1,69	1,73	1,77	1,82	1,86	1,91	1,95	2
4.	1,75	1,81	1,87	1,94	2,01	2,07	2,14	2,22	2,29	2,36	2,44	2,52
5.	2,01	2,1	2,19	2,29	2,39	2,49	2,59	2,7	2,82	2,93	3,05	3,18
6.	2,31	2,44	2,57	2,7	2,84	2,99	3,14	3,3	3,46	3,64	3,81	4
7.	2,66	2,83	3	3,19	3,38	3,58	3,8	4,02	4,26	4,51	4,77	5,04
8.	3,06	3,28	3,51	3,76	4,02	4,3	4,59	4,91	5,24	5,59	5,96	6,35
9.	3,52	3,8	4,11	4,44	4,79	5,16	5,56	5,99	6,44	6,93	7,45	8
10.	4,05	4,41	4,81	5,23	5,69	6,19	6,73	7,3	7,93	8,59	9,31	10,1
11.	4,65	5,12	5,62	6,18	6,78	7,43	8,14	8,91	9,75	10,7	11,6	12,7
12.	5,35	5,94	6,58	7,29	8,06	8,92	9,85	10,9	12	13,2	14,6	16
13.	6,15	6,89	7,7	8,6	9,6	10,7	11,9	13,3	14,7	16,4	18,2	20,2
14.	7,08	7,99	9,01	10,1	11,4	12,8	14,4	16,2	18,1	20,3	22,7	25,4
15.	8,14	9,27	10,5	12	13,6	15,4	17,4	19,7	22,3	25,2	28,4	32

Бу экспресс-баҳолаш моделини қўллаш орқали тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган «Ўзбекнефтгаз» АЖ ҳамда «Ўзбектелеком» АК киритадиган молиявий инвестицияларнинг жорий қиймати ва келажакда олиши керак бўлган жами капитали миқдорини аниқлаш мумкинлиги исботланди. Бунда молиявий инвестициялар кўрсаткичлари динамикасини миқдорий баҳолаш учун мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар қўлланилади ва мутлақ ўсиш, ўсиш даражаси, мутлақ кўрсаткич 1 фоизга ошади. Натижада хўжалик жамиятлари томонидан йўналтирилган молиявий инвестициялардан келадиган даромадларни (дивидентлар) ҳисоблаш, уларнинг миқдорини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида дивидент тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга биноан ҳисобот даври бўйича дивидендларни тўлаш тартиби қуйидагича белгиланган, яъни «дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади»¹². Шу билан бирга «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига асосан

¹¹ Тадқиқот давомида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

¹² «Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. ЎРҚ- 370, 2014 йил 6 май. 48-модда, 5 хат боши (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

«дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставда ёки иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади»¹³ деб таъкидлаб ўтилган.

Мазкур қонун ҳужжатларида акциядорлик жамиятлари ёки масъулияти чекланган жамиятлар томонидан дивидендларни тўлаш тартиби белгиланган бўлса-да, дивидендларни қандай ҳисоблаш тартиби келтириб ўтилмаган. Бу эса амалиётда жамият турлари бўйича дивидендларни ҳисоблашда ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.

Фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар томонидан молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, ушбу оралик дивидендлар ҳисоби амалга оширилади.

Муаллиф томонидан тадқиқот объектларида олиб борилган изланишлар ҳамда таҳлиллар натижасида дивидендларни ҳисоблашнинг қуйидаги тартиби ишлаб чиқилди. Жумладан акциядорлик жамиятлар қуйидагича ҳисобланади:

$$\Sigma Д = \frac{Ас \times Нк \times \%}{100},$$

бунда: $\Sigma Д$ – дивиденд суммаси; $Ас$ – жамият акциядорлари реестри; бўйича сотилган акциялар сони; $Нк$ – акцияларнинг номинал қиймати; $\%$ – акциядорлар умумий йиғилишининг оралик дивидендларини тўлаш тўғрисидаги қарорига асосан дивидендлар тўлаш бўйича фоиз ставкаси.

Бундай формула орқали акциядорлик жамиятларида оралик дивидендлар миқдорини аниқлаш мумкин. Ҳисобот йили якуни бўйича йиллик дивидендларни ҳисоблаган вақтда оралик тўланган дивидентлар миқдори чегирган ҳолда ҳисобланади ва тўлов амалга оширилади.

Жамият томонидан тўланиши лозим бўлган дивидендлар миқдорини аниқлашда қуйидаги принципларга риоя этишни белгилаш лозим:

- дивидендлар миқдорини аниқлаш механизмнинг шаффофлиги;
- акциядорларнинг яқин (даромад олиш) ва узоқ (жамиятни ривожлантириш) муддатдаги манфаатлари баланслаштирилганлиги;
- жамиятнинг инвестицион жозибadorлиги ва капиталлашув даражасини оширишга йўналтириш.

Шу орқали битта акцияга тўғри келувчи дивиденд миқдори қуйидаги тартибда аниқланади, яъни:

$$ДМТ_{оа(иа)} = \frac{\Sigma Д}{С_{оа(иа)}},$$

бунда: $ДМТ_{оа(иа)}$ – бир дона оддий (имтиёзли) акцияга дивидендлар тўловлари миқдори; $\Sigma Д$ – дивидендлар тўловлари фонди (тўланиши лозим бўлган дивиденд миқдори); $С_{оа(иа)}$ – жамият томонидан жойлаштирилган оддий акциялар сони.

¹³ Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонуни, ЎРҚ-310-II-сон, 2001 йил 6 декабрь. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон).

Бунда дивидендлар тўловлари фондининг миқдори (тўланиши лозим бўлган дивиденд миқдори) жамият томонидан ишлаб чиқилган «Дивиденд сиёсати тўғрисида» ги низомда келтириб ўтилади.

Муаллиф томонидан «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тармоқ корхоналарида дивиденд сиёсатини тўғри белгилаш ҳамда бир хилликни таъминлаш мақсадида тармоқ корхоналари учун «Дивиденд сиёсати тўғрисида» ги низомнинг намунавий шакли ишлаб чиқилди (4-жадвал).

4-жадвал

«Ўзбектелеком» АКнинг дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низомнинг таклиф этилаётган намунавий шакли

№	«Ўзбектелеком» АК (амалда)	№	«Ўзбектелеком» АК (таклиф)
1.	Умумий қоидалар	1.	Умумий қоидалар
		2.	Дивиденд сиёсати тамойиллари
2.	Дивидендлар миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш	3.	Дивиденд миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш усуллари
3.	Дивидендларни тўлаш тартиби ва шартлари		
4.	Эълон қилинган дивидендларни тўлаш тартиби	4.	Эълон қилинган дивидендларни тўлаш ва солиққа тортиш тартиби
5.	Ахборотларни ошкор қилиш тартиби	5.	Ахборотларни ошкор қилиш
6.	Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш	6.	Яқуний қоидалар

Муаллиф томонидан таклиф этилаётган «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги низомда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниялари тармоқ корхоналарида дивидендларни ҳисоблаш усуллари, уларни тўлаш ҳамда уларга доир ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир хиллигини таъминлайди.

Шу билан бирга муаллиф томонидан таклиф этилаётган «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги низомда молиявий инвестицияларга (акциялар) дивиденд ҳисобланганда халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига мувофиқ иккита усулдан фойдаланиш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Мазкур стандартга мувофиқ молиявий инвестицияларга дивиденд ҳисоблашда жамиятларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқлиги асосланди:

